Ушбу сонда:
2 МАҲАЛЛА – АҲИЛЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҚЎРҒОНИ
3 TV – ДАСТУРИ
4 БЕҲЗОД ҲАЙКАЛИ ЧАНЧУН ХИЁБОНИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 26 сентябр, жума № 151 (1576)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Андижонда суд тизимининг мустақиллигини таъминлашга бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. У Ўзбекистон республикаси Олий суди, Германия техникавий ҳамкорлик жамияти ва АҚШ ҳуқуқшунослар уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Семинар ишида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари жиноий, фуқаролик ва хўжалик судлари раислари ва судьялари иштирок этди. Ўзбекистон, Германия, АҚШнинг ҳуқуқшунослик соҳаси мутахассислари маърузалари тингланди.

Ҳамкасблар ҳуқуқни муҳофаза килиш борасидаги тажриба билан ўртоқлашди, ҳуқуқшуносларнинг қизғин мулоқоти бўлиб ўтди.

(ЎзА)

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилган кунинг 45 йиллиги муносабати билан кўп миллатли жамоангизни чин қалбимдан муборакбод этиш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу шонли кунда сизларнинг ҳар бирингизга, ўзининг куч-ғайратини аямай, Қизилқум минтақасининг минерал бойликларини ўзлаштиришда фидокорона меҳнат қилаётган кишиларнинг барчасига самимий миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз эришган ютуқларда Ўзбекистон иқтисодиётида алоҳида ўрин тутган комбинатингизнинг ҳам хизматлари салмоқли, десак асло муболаға бўлмайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, комбинат жамоаси собиқ иттифоқ парчаланганда кейин хўжалик муносабатларидаги узилиш билан боғлиқ қийинчиликларни муваффақиятли енгиб ўтди. Мустақиллик йилларида сизлар ташаббускорлик ва ишбилармонлик, ўз ишига содиқлик каби фазилатларингиз туфайли мураккаб шароитларда ноёб корхонани нафақат сақлаб қолдингиз, балки уни жаҳондаги етакчи трансмиллий компаниялар билан баб-баравар рақобатлаша оладиган замонавий кончилик мажмуига айлантирдингиз.

Шуниси қувончлики, ҳозирги кунда бу ерда замонавий корхоналар ишлаб турибди, энг янги технологиялардан муваффақиятли фойдаланилмоқда, қурилиш ва саноат индустрияси, деҳқончилик соҳаси учун хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Жаҳондаги етакчи компаниялар билан ўрнатилган мустаҳкам ва узоқ муддатли ҳамкорлик сизларга бутун тармоқнинг барқарор ишлашини таъминлаш, хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин ошириб бориш имконини бермоқда.

Қадрли дўстлар!

Ишончим комилки, сизларнинг кўпчилигингиз айнан шу ерда -Қизилқумнинг жазирама чўлида бахтингизни топиб, бунёдкорлик меҳнати қувончидан баҳраманд бўлдингиз. Бу ерда Ўзбекистонни ўз Ватани деб билган кўпгина миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда. Комбинатда салоҳиятли, юксак малакали, меҳнат ва ҳаётда тобланган, энг мураккаб ишлаб чиқариш вазифаларини ҳам ҳал этишга қодир, аҳил байналмилал меҳнат жамоаси шаклланди ва мустаҳкамланди. Сизларнинг шавкатли меҳнатингизни ҳамда Ватанимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссангизни юксак қадрлаймиз.

Комбинатда кўплаб ёшлар - кекса авлод қаҳрамонона меҳнатининг муносиб давомчилари ишлаётганидан астойдил хурсандман. Улар - ижодий фикрловчи, энг замонавий корхоналарда ишлашга қодир янги авлодга мансуб мутахассислардир. Биз ҳақли равишда улар билан фахрланамиз. Комбинатда ёшларга самарали меҳнат қилиш, яхши дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, махсус кончилиқ институти очилган. Навоий кон-руда мажмуасининг келажаги ишончли қўлларда, деб қатъий айтиш мумкин.

Аҳил жамоангизнинг барча аъзоларига чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, инсоний бахт, оилавий хотиржамлик, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ўзининг меҳнатидан қониқиш туйғуси қалбингизни асло тарк этмасин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 сентябр куни Оксаройда НАТО Бош котиби Жорж Робертсонни кабул килди.

- Сизни нафақат НАТО Бош котиби, балки кўплаб халқаро муаммолар ечимига улкан ҳисса қўшган йирик сиёсатчи сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, - деди Ислом Каримов учрашувда. - Хусусан, НАТОнинг шаклан ўзгаришига кўп меҳнатингиз сингган.

Ўзбекистон Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида ушбу ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилиб келяпти. Мамлакатимиз 1994 йили НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилганидан буён доим унинг ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари даражасидаги учрашувларида ҳамда ташкилотдаги етакчи қўмиталар мажлисларида иштирок этиб келади.

Икки томонлама ҳамкорлик бир неча вазифаларни қамраб олган. Ўзбекистон ҳукумати «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида Тайёрлаш маркази тузишга қарор қилган. Унинг дастури НАТО андозалари ва талабларига асосланади.

Шунингдек, Ўзбекистон НАТО билан Ҳамкорликнинг индивидуал дастурини қабул қилган. У 20 йўналиш бўйича, жумладан, тинчликни сақлаш борасида қўмондонлик-штаб ва ҳарбий дала машқлари ҳамда қидирув-қутқарув ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш операциялари каби жами 143 тадбирни кўзда тутади.

Ўзбекистон ва НАТО фуқаролик фавқулодда режалаштириш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида шу йилнинг 28-30 апрел кунлари Фарғона вилоятида қўшма машғулот ўтказди. Марказий Осиёда НАТО томонидан ташкил этилган бундай турдаги ана шу илк машғулотда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан 227 вакил қатнашди.

Мамлакатимиз илм-фан, экология каби соҳаларда ҳам мазкур ташкилот билан самарали алоқа ўрнатган. НАТОнинг Илмий қўмитаси билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЎРГАЗМА

«Ўзкўргазмасавдо»нинг кўргазмалар залида «SAVERS MINITECH International Expo Tashkent 2003» кўргазма-савдоси ўз ишини бошлади.

Кўргазма Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан Ҳиндистоннинг «SFVERS-IMPEX» компанияси билан ҳамкорликда ҳамда республикамиз Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ҳиндистон экспортини ривожлантириш кенгаши ва Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг муҳимлигини, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида тадбиркорлик улушининг ортаётганини ҳисобга олиб, республикамизда бир неча йиллардан бери «MINITECH» кўргазма-савдоси ўтказилиб келинмоқда. Навбатдаги кўргазма хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазмада Ҳиндистоннинг 35 та йирик компанияси тўқимачилик, кимё, фармацевтика саноатлари, озиқ-овқат, қурилиш материаллари учун қадоқловчи сиғимлар ишлаб чиқариш, полиграфия ва бошқа саноатлар учун турли хил технология ва ускуналарни намойиш этмоқда.

Кўргазмадаги жиҳозлар ва технологияларни муваффақиятли сотиш, шунингдек уларнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан харид қилинишини енгиллаштириш учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг мақбул имкониятлари таклиф этилади. Шу мақсадда 17 та йирик тижорат банки, «Ўзбеклизинг интернэшнл»,»Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг», «Барака лизинг» ва «Бизнес-фонд» акциядорлик жамияти каби лизинг компанияларнинг маслаҳат пунктлари ташкил этилди. Шу билан бирга қатор вазирликлар ва идораларнинг мутасадди хизматчилари томонидан шартнома ва контрактлар тузишда, харид қилинаётган ускуна ва технологиялар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда маслаҳат ёрдами ҳам ташкил этилади.

(ЎзА)

Осиё чемпионати

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

Тошкент теннис марказида Осиё чемпионати якка тартибдаги беллашувларнинг иккинчи босқичи якунланди.

Мусобақанинг учинчи босқичига ўтиш учун баҳсларда олти нафар ҳамюртимиз кортга чиқди. Чиройли ўйинлари билан мухлису мутахассислар эътиборини тортган В.Узоқов чемпионатда учинчи рақамда сараланган Вадим Кутценко билан куч синашди. Муросасиз кечган баҳслар В.Кутценко рақибига нисбатан анча кучли эканини намойиш этди - 6:1, 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шу куни яна икки вакилимиз ажойиб ўйин кўрсатди. Д.Мазур японияли Хикори Кондони 6:3, 7:5 ҳисобида енгган бўлса, вьетнамлик Минҳ Куан До Д.Салимсаковга 6:1, 6:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

Иккинчи босқичда ўйнаган олти нафар теннисчимиздан иккиси мағлубиятга учради. Ўзбекистоннинг энг тажрибали теннисчиси Олег Огородовдан бу гал омад юз бурди. Покистонлик Аиссан Курейший уни 7:5, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди.

Иқтидорли теннисчи М.Иноятов ҳам мусобақани эрта тарк этишга мажбур бўлди. У мусобақанинг иккинчи рақамли ракеткачиси Хитой Тайпейидан келган Ю Тзю Вангга қарши кортга чиққанди. Ўйин 6:3, 6:2 ҳисобида М.Иноятовнинг рақиби фойдасига ҳал бўлди.

Иккинчи босқичнинг энг кескин учрашуви Жанубий Корея вакили Сунг Кюн Канг ҳамда қозоғистонлик Алексей Кедриюк ўртасида кечди. Дастлабки сетда 6:4 ҳисобида имкониятни бой берган қозоғистонлик теннисчи, кейинги сетларда рақибига имконият қолдирмади - 6:2, 6:1.

Индонезиялик тажрибали теннисчи Феби Видиянто сянганлик Хю Тунг Ю билан куч синашиб, 6:3, 6:4 ҳисобида рақибидан устун келди.

Аёллар ўртасидаги баҳслар ҳам жиддий курашларга бой бўлди. Айниқса, ҳамюртимиз Иванна Исроилова ҳамда кореялик Жин Янг Чой ўртасидаги беллашув кўпчилик эътиборини тортди. Ўтган йили Осиё чемпионатининг финал босқичигача етиб борган И.Исроилова биринчи сетда 6:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Тез орада ўзини ўнглаб олган теннисчимиз кейинги сетларни ўз фойдасига ҳал қилди - 6:4, 6:2.

Малайзиялик Чин Би Ху ва Сянган вакиласи По Куен Лам ўртасидаги баҳс 6:3, 6:1 ҳисобида якунланди. Малайзиялик теннисчи кейинги босқичга йўлланмани нақд қилди.

Индонезиялик Вукираш Савондари ва таиландлик Напапом Тонгсали ўртасидаги баҳс ҳам уч сет давом этди. Унда Индонезия вакиласи 2:6, 6:3, 6:1 ҳисобида зафар қучди.

Шунингдек, жуфтлик баҳслари ҳам давом этмоқда. Ҳамюртларимиз В.Куценко ва О.Огородов биргаликда Д.Мазур ва М.Иноятов жуфтлигини 6:2, 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Индонезиялик С.Суванди ва Ф.Видиянто Ю.Кокурин ҳамда Ш.Шанголи жуфтликлари ўртасида кечган баҳс 6:1, 6:2 ҳисобида Индонезия вакиллари фойдасига ҳал бўлди.

Аёллар баҳсида ҳам ўзбекистонлик теннисчилар -О.Омонмуродова ҳамда И.Исроилова жуфтлиги ишончли ўйин намойиш қилмоқда. Маи Хюн Хюн ва Зи Ким Тран жуфтлигига қарши кечган учрашувда юртдошларимиз кейинги босқичга йўлланма олди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

Навоий кон-металлургия комбинатининг 45 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, ислоҳотларни амалга оширишга, республикамиз кон-металлургия саноатини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Аланов Мансур - Марказий руда кони бошқармаси Темир йўл транспорти бошқармасининг бошлиғи

Емельянов Сергей Степанович - Навоий кон-металлургия комбинати директорининг умумий масалалар бўйича ўринбосари

Кодоев Василий Суликоевич - Навоий кон-металлургия комбинатининг бош механиги

Черношчёков Сергей Федорович - Марказий руда кони бошқармасининг бош энергетиги

Кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, республикамиз кон-металлургия саноатида илғор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштириш ишида эришган ютуқлари, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик фазилатларини намоён этганликлари ва жамоат ишларида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Адамчук Василий Семенович - Марказий руда кони бошқармаси «Мурунтов» конининг экскаватор машинисти

Марьин Виктор Федорович - 1-Гидрометаллургия заводининг роторли экскаватор машинисти

Орипов Раҳим - 5-Руда кони бошқармасига қарашли 1-Геотехнология руда кони қудуқлар оператори

Пашков Александр Алексеевич - Марказий руда кони бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг бош муҳандиси

Сойибов Фархат Яхшиевич - Марказий руда кони бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг цех бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Кострица Григорий Иванович - Навоий кон-металлургия комбинати директорининг кадрлар бўйича ўринбосари

Кустов Андрей Михайлович - Марказий руда кони бошқармаси директори

Лаккай Николай Эдмундович - «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори

Мўминов Валерий Равшанович - Навоий кон-металлургия комбинати директорининг шаҳарлар эксплуатацияси ва маиший масалалар бўйича ўринбосари

Примжаров Абилхан Муслимович - Шимолий руда кони бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводининг цех бошлиғи

Сапарова Зомира Бозаровна - Зарафшон қурилиш бошқармаси ихтисослаштирилган пардозлаш ишлари участкасининг бўёқчиси

Степура Валерий Николаевич - Марказий руда кони бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг директори

Толстов Евгений Александрович - Навоий кон-металлургия комбинатининг бош муҳандиси

Шеметов Петр Александрович - Марказий руда кони бошқармасига қарашли «Мурунтов» кони бошлиғи

Шляхтин Владимир Иванович - Жанубий руда кони бошқармаси моддий-техника таъминоти бўлимининг муҳандиси

«Шуҳрат» медали билан

Акопян Юрий Михайлович - Жанубий руда кони бошқармаси директори

Менаметов Рустем Шукриевич - 5-Руда кони бошқармаси бош механиги

Паламарчук Юрий Васильевич - Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшмаси қўмитасининг раиси

Попшой Андрей Севастьянович - Шимолий руда кони бошқармаси Автотранспорт бошқармасининг кўп юк ташийдиган карьер ағдарма машиналари ҳайдовчиси

Пронин Николай Иванович - Шимолий руда кони бошқармаси бош геологи

Ражаббоев Пармон - Марказий руда кони бошқармасининг кўп юк ташийдиган карьер ағдарма машиналари ҳайдовчиси

Саидов Муҳиддин Шарипович - Шимолий руда кони бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводининг майдалаш цехи тегирмонлари машинисти

Шамин Владимир Юрьевич - Шимолий руда кони бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводининг директори

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан

Ислямов Норбой Тошпўлатович - Жанубий руда кони бошқармасининг бурғулаш қурилмаси машинистлари сардори

Новиков Виталий Васильевич - Марказий руда кони бошқармасига қарашли «Мурунтов» шахтаси портлатувчиси

Раҳмонов Абдисалом Пардаевич - «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-станоксозлик цехининг токари

Ҳаитов Прназар - Жанубий руда кони бошқармасига қарашли «С» кони чилангарлари сардори

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 18 сентябр

Долзарб мавзу

СУД ҚАРОРИ

ўз ижросини нега топмади?

Жиззах вилоят стандартлаш ва метрология бошқармаси жорий йилнинг январ-август ойларида 68 та корхона ва ташкилотларда давлат назорати ўтказди. Бунинг натижасига кўра 49 та жамоада стандарт ўлчов воситалари ва сертификатлаштириш қоидалари бузилгани аниқланиб, 6 та корхонага 15 миллион 448 минг сўмлик иқтисодий жарима қўлланилди. 50 нафар масъул шахс маъмурий жаримага тортилди. Иқтисодий ва маъмурий жарималарни тўламаган 3 нафар мансабдор шахснинг ҳужжатлари судга юборилди.

Жиззах шаҳридаги У.Усмонов раҳбарлигидаги «Ҳавас» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси текширилганда, ўтган йилнинг 6 июлдан шу йил 1 мартигача мувофиқлик сертификатларисиз маҳсулот ишлаб чиқарилиб сотилганлиги аниқланди. Бундай қонунбузарлик «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида кўрсатилганидек, сотилган маҳсулот суммаси миқдорида жаримага тортилишга сабаб бўлади. Шу боис бошқарманинг мазкур фирмани 1 миллион 523 минг 585 сўмлик жаримага тортиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Жарима ўн кунлик муддатда тўланиши шарт бўлгани ҳолда фирма раҳбарлари сукут сақлаб келишди.

Шунинг учун шу йил 11 апрелда бошқарма «Ҳавас» хусусий фирмасини жавобгар этиб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

А.Товбоев раислик қилган суд мажлиси 13 май куни ўтказилиб, даъво тўла қаноатлантирилгани, жарима фирма ҳисобидан тегишли тартибда ундириш Жиззах шаҳар суд ижрочиларига юклангани ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Суднинг ушбу қарори ҳам «Ҳавас»чиларга кор қилмади шекилли, яна улар сукут сақлашди. Жами сумманинг 20 фоизи миқдоридаги жарима бошқарма ҳисоб рақамига келиб тушмади. Бу ҳолда Жиззах ҳудудий стандартлаш ва метрология бошқармаси вилоят суд қарорлари ижроси департаменти бошлиғи А.Абдуқодировга расман хат билан мурожаат қилганига ҳам уч ойдан ошди. Лекин ижронинг охири кўринмаяпти.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

МАҲАЛЛА – АҲИЛЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҚЎРҒОНИ

Эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий қадриятлар, анъанавий урф-одат ва маросимлар шаклланадиган, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат маскани ҳисобланган маҳалланинг жамият устуни сифатидаги аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда.

ҲАМЖИҲАТЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

«Обод маҳалла йили» Давлат дастури маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги роли ва мақомини мустаҳкамлаш, аҳолини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни яхшилашга қаратилган. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ушбу дастурни амалга ошириш бўйича аниқ тадбирларни белгилаган. «Маҳалла» жамғармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси, бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳалла ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, кам таъминланган оилалар, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларни ҳимоялашга эътибор оширилмоқда.

Қишлоқ ва маҳаллалар обод ва фаровон бўлса, юртимиз гуллаб яшнайди. Олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар маҳалла моддий базаси, фуқаролар ўртасидаги нуфузини кўтаришга хизмат қилаяпти.

Шаҳар ва туманлардаги ҳар бир маҳалланинг паспорти тузилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, болалар спорт майдончаларини жиҳозлаш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Ҳомий ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар ёрдами билан маҳалла гузарлари барпо этилмоқда. Жумладан, Косон шаҳридаги «Нартичуқур», «Месит», Охунбобоев номли, Китоб туманида Ҳамид Олимжон номли, Чироқчининг Чиял жамоа хўжалигида «Чувуллоқ» сингари маҳалла гузарлари ўзгача чирой кашф этди.

Қарши шаҳридаги «Гулшан» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шукрулло Сафаровнинг ташаббуси билан тадбиркор Ўткир Эркаев ҳомийлигида спорт мажмуаси қуриб битказилди. Бу ерда футбол, волейбол, кураш, бокс ва каратэ билан шуғулланиш мумкин. Ҳозирда ёпиқ сув ҳавзаси бунёд этилаяпти. Косоннинг «Месит» маҳалласида меҳнат фахрийси Чори бобо Ҳақбердиев фарзандлари билан ўз маблағи ҳисобига 90 ўринли «Истиқлол» болалар боғчасини қуриб, фойдаланишга топширди.

Дастур асосида вилоятда 222 километр газ, 128 километр ичимлик суви қувурлари ётқизилди. 25910 хонадонга газ ва 5 мингдан ортиқ сув ўлчаш асбоблари ўрнатилди. Аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида 186 та уй-жойни мукаммал таъмирлаш режалаштирилган. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 761,3 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозирга қадар 70 та уй тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Вилоят бўйича 19 мингта кам таъминланган оилага мақсадли йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Айни пайтда ўн мингдан ортиқ оилаларга 25 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди. 8 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 2 миллион сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари, 1 миллион сўмлик кийим-кечаклар тарқатилди. Тўшакка ётиб қолган 368 нафар қарияга 58 та потранаж ҳамшира хизмат кўрсатмоқда.

Соғлом авлод — миллат келажаги. Қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш бўйича кенг кўламдаги ишлар қилинди. 572407 нафар туғиш ёшидаги аёллар, 53 мингдан ортиқ бир ёшгача бўлган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ўсмир қизлардан 40 минг нафарининг саломатлиги текширилиб, аниқланган касалликларнинг даволаш чоралари кўрилди.

Касаба уюшмалари ҳамда «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Болалар» жамғармалари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Китоб туман марказий шифохонаси, касаба уюшма ҳамда хотин-қизлар қўмиталари ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган «Она сутининг мўъжизаси» кўрик-танлови аҳолида, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларда катта қизиқиш уйғотди. «Келажак оила учун» ахборот ресурс маркази томонидан эса Чироқчи туманида хотин-қизларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича семинар тренинг ўтказилди. Қарши шаҳрининг «Чармгар», «Чақар», «Рогузар», Бешкентнинг «Бодомзор», Нишоннинг «Навбаҳор», Шаҳрисабзнинг Амир Темур, Косоннинг «Мўғжагул» маҳаллаларида ўтказилган мулоқотлар диний ақидапарастлик ва гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилди.

Болалар спорт иншоотларини барпо этишга 1-миллиард 104 миллион 800 минг сўм ажратилди. Муборак шаҳрида Ёшлар спорт мажмуаси, Миришкор туманининг Жейнов, Касби туманининг Алишер Навоий номли хўжаликлари, Косон шаҳридаги «Ровот», Охунбобоев номли маҳаллаларда, Қарши шаҳрининг 7-митти туманида спорт-соғломлаштириш мажмуалари бунёд этилди. Чироқчи туман марказий ўйингоҳини таъмирлаш учун эса 12 миллион сўм сарфланди.

Маҳалла болалари ўртасида «Футболимиз келажаги», «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш одат тусига кирган. «Соғлом оила» беллашувининг республика босқичида Муборак шаҳрининг «Машъал» маҳалласида истиқомат қилувчи Ёмғировлар оиласи биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шунингдек, Чироқчи туманидаги «Чувиллоқ» маҳалла қўмитаси раиси Ҳасан Ёрлаев қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва оммавий спортни тарғиб этишдаги хизматлари учун республика кўрик-танловининг ғолиби деб топилди.

Касаба уюшмалари томонидан маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Энг яхши маҳалла» кўрик-танловида ғолиблиқни эгаллаган Китоб туманидаги Собир Раҳимов номли маҳалла касаба уюшмалари вилоят кенгашининг дипломи ва 50 минг сўмлик спорт жиҳозлари билан тақдирланди.

«Энг намунали оила», «Энг яхши кўча», «Қайнонам — онам, келиним — қизим», «Тиббий маданиятли оила» сингари танловлар, «Аёл, оила маҳалла», «Соғлом авлод - жамият негизи», «Мактаб, боғча, маҳалла», «Гиёҳвандлик - аср вабоси», «Огоҳликка даъват» каби тадбирлар аҳоли ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Биргина Китоб туманидаги «Қуйиоқбой», «Пахтаобод», «Бешқозоқ» маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган мулоқотлар ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, жамоатчилик фикрини ўрганишда катта аҳамият касб этди.

С.МИРОВА,
касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг ўринбосари

Ислом КАРИМОВ:

Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси дейиш мумкин.

Қарши туманидаги «Ипак йўли» хўжалигида «Чўлбўстони» қишлоқ фуқаролар йиғини биноси ишга тушди. Бу ерда милиция таянч пункти, маиший хизмат шохобчалари мавжуд.

Суратларда: маҳалла фахрийлари; фуқаролар йиғини биноси.

Ш.СУЛТОН
олган суратлар

СИЙЛАНГАН ЖОЙДА АЗИЗДИР ИНСОН

Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак. Зотан, «Ватан ичра ватан» деб аталмиш бу масканда одамлар бир-бирларига елкадош бўладилар, тўйу томошани ҳам, қайғули кунларни ҳам бирга баҳам кўрадилар.

Шаҳримиздаги маҳаллалар узоқ тарихга эга. Ўтмишда йигирмадан ортиқ маҳалла бўлиб, аҳоли асосан ҳунармандчилик, тижорат билан шуғулланган. Бугунги кунда эса улар сони 62 тага етди. Уч минг йиллик шаҳарсозлик тарихи, маданиятига эга бўлган қадимий ва ҳамиша навқирон Насафда маҳаллаларни равнақ топтириш бўйича етарли тажриба тўпланган.

Жорий йил шаҳримизда «Гуллар йили» деб эълон қилинди. Ўз маҳалласи ва хонадонини гулу гулзорга айлантириш юмушларида фаол қатнашганлар турли қимматбаҳо совғалар билан мукофотланадиган бўлди.

«Обод маҳалла – юрт ифтихори» мавзуида ташкил этилган кўрик-танлов кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Танлов иштирокчилари қадимдан шуғулланиб келинган кулолчилик, ҳунармандчилик, ёғочсозлик, савдо-сотиқ, бадиий ҳаваскорлик йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Унда «Чақар», «Худойзод», «Ровот» маҳаллалари вакиллари юқори натижаларга эришдилар. «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловида эса «Рогузар» маҳалласи ғолиб деб топилди ва 5,5 миллион сўмлик мукофотга сазовор бўлди.

Маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш бораси ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Оилавий спортчилар» тадбири бу борада муҳим рол ўйнади. «Чақар» маҳалласида бокс тўғараги, «Гулшан», «Чармгар» маҳаллаларида болалар спорт мажмуалари ишга туширилди. Бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун алоҳида жой ажратилди. Хотин-қизлар учун соғломлаштириш маркази ўз фаолиятини бошлади. Замонавий сузиш ҳавзаси қурилишига киришилди.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-аҳлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадриятлар ҳамда урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш мақсадига йўналтирилган ишлар кенг қулоч ёзмоқда. Зеро, шаҳримизда ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаётган саховатпеша инсонлар кўп. Яқинда «Хонтепа» маҳалласида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан 120 нафарига Ғ.Ғойибов номли жамғарма ҳомийлигида 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини ни 14 нафар ногироннинг ҳар бирига 3 минг сўмдан кўмак пули берди. «Геолог» маҳалласида 15 та ёрдамга муҳтож оиланинг ҳар қайсисига тўрт минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шаҳар ногиронлар жамияти томонидан «Қарликхона» маҳалласида яшовчи ёлғиз қарияга озиқ-овқат маҳсулотлари, вилоят «Болалар» жамғармаси томонидан «Кунчиқар», Алишер Навоий номли маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 30 нафар болаларига қишки кийим-кечаклар туҳфа этилди. «Ойдин», «Шайхали» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан юзга яқин оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Умуман, шаҳардаги мингдан ортиқ оилалар моддий ва маънавий ғамхўрликдан баҳраманд бўлдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахс-ларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида янги оила қурадиган 300 дан зиёд ёшлар кўрикдан ўтказилди. Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизларни 5 минг нафари шифокорлар назоратига олинди.

Меҳнат бозорини шакллантириш биринчи даражали вазифага айланган. Шаҳарда аҳолини вақтинча ишга жойлаштириш маркази тузилган бўлиб, ҳозирда у қизғин фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, ўтказилган меҳнат ярмаркасида 500 дан ортиқ йигит-қиз ишга жойлаштирилди. 50 та маҳаллада ҳунармандчилик цехлари ва касб ўрганиш курслари ташкил этилди.

Хуллас, ҳар қайси инсон, хонадон ҳаётида фуқароларнинг бошини қовуштириш, тинчлик-осойишталик, тартиб-интизомни мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Д.ТУРДИЕВА,
Қарши шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари

ЭЗГУЛИК

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир. Шу боис «Обод маҳалла йили» Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб ёрдамга муҳтож оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Мисол учун, яқинда юздан ортиқ кам таъминланган оилаларга буғдой ва бошқа шу каби озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 67 нафар меҳнат ногирони, 6 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 22 нафар байналмилалчи жангчилар хомийларга биркитилган.

Фуқаролар ижтимоий муҳофазасини яхшилаш билан бирга қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилинди. Ҳудудимиздаги Янгибоғ, Сарой, Келдиҳаёт, Сайилла, Оқдарё қишлоқлари тўқсон фоиз газлаштирилган. Кўчалар кенг ва равон. Хонадонларда сифатли ичимлик суви бор. Замонавий уй-жойлар қурилган. 8,5 минга яқин фуқароларнинг фаровон турмуш кечириши учун барча қулайликлар яратилган.

«Ўзбекистон» ширкати, 5 та фермер хўжалигида 28 та маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш шохобчалари, ўндан ортиқ цехлар узлуксиз ишлаб турибди. 416 та деҳқон хўжаликлари ташкил этилган.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқларимиз тобора чирой очиб, одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, эзгу ишларга иштиёқи кучайиб бормоқда.

А.ИСКАНДАРОВ,
Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

КЎРКАМ, БАҲАВО

Маҳалламиз шаҳримиздаги энг кўркам масканлардан. Хонадонлар, кўчалар тоза, озода. Сифатли ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Сув ва газ ўлчаш асбоблари ўрнатилган. Кўкламда минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экилди. Суғориш ва канализация тармоғи тозаланди. Бугун «Рогузар» обод ва файзли-тароватли, баҳаво масканга айланган.

Маҳалламиз ҳудудидан «Чапқирғоқ» канали оқиб ўтади. Унинг атрофига қатор серсоя дарахтлар ўтказилган. Меҳнат фахрийси Қаршибой ота Норматов иссиқхона қуриб, мижозларга хилма-хил гуллар етказиб бераяпти.

Маданий-маърифий тадбирлар мароқли ўтмоқда. Айниқса, «Ватан остонадан бошланади», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Соғлом авлод соғлом оилада камол топади», «Ўсмир қизлар тарбияси», «Гиёҳвандлик – умр заволи» мавзуларида уюштирилган давра суҳбатлари аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда. 13500 дан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона мухлислар хизматида.

Хайрли ишлар қизғин давом этмоқда. Яқинда Олий Мажлис депутати, «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раҳбари Қурбон Панжиев ташаббуси билан маҳалла гузари ёнида тўй-ҳашамлар ўтказиладиган кўркам иншоот қад ростлади. Келгуси режаларимиз ҳам улкан. Кўча ва гузарларни ободонлаштириш, болалар спорт майдончасини жиҳозлаш, ёрдамчи корхона ва цехлар очиш ниятимиз бор.

Ғ.ОТАБОЕВ,
Қарши шаҳридаги «Рогузар» маҳалла оқсоқоли

Суратда: Бешкент шаҳридаги «Наврўз» маҳалла гузарининг ташқи кўриниши.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Қишлоқ фуқаролар йиғинимиз ҳудудида 10 минг 434 нафар фуқаро яшайди. Бу ерда Қўштепа, Ёрғунча, Апарди, Жонбулоқ, Корасув қишлоқлари ва 39 та деҳқон-фермер хўжалиги жойлашган.

Қишлоқларни ободонлаштириш, хонадонларда осойишталик, тозалик ва озодаликни сақлаш ишларига кенг жамоатчилик жалб этилган. Ширкат хўжаликлари ва ҳомийлар ёрдами билан жорий йилда 3 километр масофага газ қувурлари тортилди. Йўл ва ариқ ёқаларига ўн минг туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди. Ички сув йўллари тозаланиб, қабристонлар ободонлаштирилди.

Ўн бир кишидан иборат йиғин кенгаши тузилган. Ҳар бир тўй, маърака фаоллар билан бамаслаҳат, ихчам, айни пайтда ўзбекона урф-одатлар, анъаналарга суянган ҳолда ўтказилаяпти. М.Эсонов, П.Бойқулов, Ж.Равшанов, К.Ортиқов сингари йиғин аъзолари маданий-маърифий тадбирларни уюштиришда бош-қош бўлишмоқда. «Энг обод кўча», «Намунали хонадон», «Энг яхши тарбиячи ота», «Қайнона – она» каби кўрик-танловлар ўтказиш одат тусига кирган.

Юртбошимиз Фармони ва ҳукумат қарорига асосан болалар спортини ривожлантиришга эътибор ошмоқда. Масалан, янгитдан 5 та спорт майдончаси қурилди. «Машъал» номли футбол командамиз туман ва вилоят мусобақаларида фаол қатнашмоқда. Шунингдек, яқинда Йўлдош полвон Холиёров, Қурбон полвон Чориев, Юсуф полвон Йўлдошевлар хотираларига бағишлаб миллий кураш мусобақалари уюштирилди.

Саховатпешалик – азалий урфимиз. «Жонбулоқ» ва Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари раҳбарияти ташаббуси билан 160 дан ошиқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз қариялар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди.

«Обод» деганда нафақат кўркам ва чиройли, айни пайтда тинчлик ва хотиржамлик, меҳр-оқибат, ўзаро иноқлик, қут-барака бўлган саранжом-саришта маскан тушунилади. Шу жиҳатдан бизнинг қишлоқларимизга ҳавас қилса арзийди.

Ж.ШУКУРОВ,
Ғузор туманидаги «Қўштепа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

Саҳифани «Ишонч» мухбири Иззат ҲИКМАТОВ тайёрлади

TV дастури

29 сентябр - 5 октябр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига!.
«Ўзбекистон» телеканали 29 сентябрь куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
16.05 Эстрада тароналари.
16.25 «Тўртинчи ҳокимият».
16.40 ТВ анонс.
16.45 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
«Болалар сайёраси»:
17.05 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Зарғалдоқ«. Мультфильм.
18.30 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
18.45 «Қалбингизда сўнмасин зиё».
19.00 «Бир жиноят изидан».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муқаддас бурч».
21.25 ТВ клип.
21.35 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.55 «Ошин». Телесериал.
22.55 От спорти бўйича жаҳон кубоги.
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Мульттомоша».
17.20 Жаҳон жуғрофияси.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Муқаддас бурч.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ – анонс.
19.40 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Сув – ҳаёт манбаи.
20.15 Одамлар орасида.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Туризм ҳақида».
20.50 «Инсон ва қонун».
21.30 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.30 Кинонигоҳ. «Нозик-ниҳол маликам». 2-қисм.
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.00 - 7.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 "Вести».
16.15 Мультфильм.
16.35 "Экран зийнати ва қиймати».
17.00 "Евроньюс" янгиликлари.
17.20 "Машҳурлар».
18.00 "Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 "Микрокосмос».
20.00 "Время».
20.30 "Икки тақдир». Сериал.
21.30 "Бизнес ревю».
21.35 "Хроника».
21.45 "FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
21.55 Кинематограф. "Менга миллион кифоя». Бадиий фильм.
23.20 "Ахборот».
23.55 "Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Умид ниҳоллари - 2003».
9.30 «Қалбингизда сўнмасин зиё».
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Зиё масканлари».
10.15 «Ойижон». Бадиий фильм.
11.30 «Бири-бирига устоз».
11.45 Мумтоз наволар.
12.05 «Хатолар ороли». Мультфильм.
12.30, 13.15 ТВ анонс.
12.35 «Саховат».
12.45 ТВ клип.
12.55 «КиноТеатр».
13.20 «Устозга таъзим». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
14.10 «Ошин». Телесериал.
15.10 «Зиё масканлари».
15.20 «Ягона оилада».
16.00 «Қалбингизда сўнмасин зиё».
16.20 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал».
16.40 «Таълим ислоҳотлари».
«Болалар сайёраси»:
17.00 «Ўйла, Изла, Топ!»
18.10 «Олтин бешик».
18.30 «Умид». Телелотерея.
18.55 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист таҳлили».
21.25 «Қалбингизда сўнмасин зиё». Бадиий-мусиқий кўрсатув.
21.50 «Ошин». Телесериал.
22.50 ТВ клип.
23.00 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони».
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
9.40 «Мумитролл ва бошқалар». Мультфильм.
10.00 Бахтли болалик қўшиқлари.
10.15 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 10-қисм.
11.05 «Давр» - интервью.
11.20 ТВ - анонс.
11.25 "Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Оддий одамлар.
12.45 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 «Достоннинг давоми». Видеофильм.
13.30 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
14.50 «Умр дафтари» туркумидан: Ботурхон Валихўжаев 1-қисм.
15.10 Байрамингиз муборак, азиз устозлар! Мусиқий дастур.
15.25 «Умр дафтари» туркумидан: Ботурхон Валихўжаев 2-қисм.
15.45 ТВ - анонс.
15.50 Кўрсатувлар дастури.
15.55 "Янги авлод" студияси: Келинг, танишайлик.
16.15 «Покахонтас». Мультфильм.
17.35 Бола тилидан.
18.05 Чемпион сирлари. Чемпионлар мураббийлари.
18.25 «Зинама – зина» телеўйини.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
19.55 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.35 "Гвадалупе». Телесериал.
21.20 Таъзим сизга, устозлар.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.50 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.10, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Аёл қалби».
20.50 «Ҳамшаҳарлар».
21.20 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.20 Кинонигоҳ. «Илҳом париси».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.00 - 7.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 "Вести».
16.15 "Хинд оҳанглари».
16.45 "Жонли табиат».
17.00 "Евроньюс" янгиликлари.
17.20 "Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси».
17.50 "Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 "Аншлаг».
19.35 "Дунё маданияти дурдоналари».
20.00 "Время».
20.30 "Икки тақдир». Сериал.
21.30 "Бизнес ревю».
21.35 "Т. Полонская билан бирга».
22.00 Кинематограф. "Занжир». Бадиий фильм.
23.25 "Ахборот».
24.00 "Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 «Ўйла, Изла, Топ!»
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Келиннинг отаси». Бадиий фильм.
11.35 «Олтин бешик».
11.55 , 12.30 ТВ анонс.
12.05 «Ўзбекистон бастакорлари».
12.35 ЎзТВ хазинасидан. Уйғун. «Парвона». Спектакль 1-қисм.
13.35 «Журналист таҳлили».
13.55 ТВ клип.
14.10 «Ошин». Телесериал.
15.10 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони».
15.30 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
16.20 «Куйла, ёшлигим».
«Болалар саайёраси»:
16.40 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Цирк цирк, цирк».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Соғлом она - соғлом бола».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
18.55 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
22.05 «Ошин». Телесериал.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 "Янги авлод" студияси: Келинг, танишайлик.
9.40 Солиқ ҳақида сабоқлар.
9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 11-қисм.
10.45 Тафаккур ёлқинлари.
11.00 Ёшлар овози.
11.20 "Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.30 Чемпион сирлари Чемпионлар мураббийлари(рус тилида)
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Мусиқий лаҳзалар.
15.25 Автопатрул.
15.45 «Имконият». Бадиий фильм.
17.00 «Фарзандим – жигарбандим». Маҳалла ҳаётидан лавҳалар. 9-қисм (якунловчи)
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтоймиз-гижингтойлиз.
17.50 «Қуён, ғичир ва скрипкачи». Мультфильм.
18.05 Сийрат.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ –анонс.
19.55 «Coscom» хабарлари.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 "Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Бегойим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.50 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани».
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.45, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Бурч ва масъулият».
21.00 «Эл хизматида».
21.20 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.20 Кинонигоҳ. «Азизам, мен болаларни кичрайтирдим».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 7.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 "Вести».
16.15 "Парле ву франсе?»
16.35 "Мультсеанс».
17.00 "Юқори технологиялар олами».
17.10 "Евроньюс" янгиликлари.
17.30 "Оддий Кулгу».
18.00 "Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 "Кулгу хонаси».
19.40 "Ассалом, Франция!»
20.00 "Время».
20.30 "Икки тақдир». Сериал (Сўнгги қисм)
21.30 "Бизнес ревю».
21.35 "Ишбилармон кишилар».
21.55 "FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.05 Кинематограф. "Ижарага олинган бола». Бадиий фильм.
23.25 "Ахборот».
24.00 "Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00 , 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кузги марафон». Бадиий фильм.
11.35 «Ҳаёт ва қонун».
11.55 , 12.35 ТВ анонс.
12.05 «Олтин оқу». Мультфильм.
12.40 Уйғун. «Парвона». Спектакль. 2-қисм.
13.40 «Шарқ тароналари».
14.10 Телемулоқот.
14.50 «Ошин». Телесериал.
15.50 ТВ клип.
16.00 «Депутат».
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Қизиқарли учрашувлар».
17.20 «Нурли манзиллар».
17.35 «Яхшилар ёди».
18.10 Репортаж.
18.15 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Аёлини эъзозлаган юрт».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Ошин». Телесериал.
22.35 «Ифтихор».
22.55 «Ўзим билан ўзим». Видеофильм.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Кичкинтоймиз-гижингтойлиз.
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 12-қисм.
10.45 «Давр»-интервью.
11.00 Минг бир маслаҳат.
11.20 ТВ - адвокат.
11.25 "Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 «Фарзандим - жигарбандим». Маҳалла ҳаётидан лавҳалар 9 қисм (якунловчи)
12.50 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Сийрат.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Дийдор.
15.35 «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
17.05 Ўзимизники.
17.20 «Coscom» хабарлари.
17.25 Саёҳатнома.
17.50 Кўрсатувлар дастури.
17.55 "Янги авлод" студияси: Бешбармоқ.
18.20 «Саёҳат», Мультфильм.
18.30 Куёшли юрт одамлари.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Улуғбек Отажонов куйлайди.
20.15 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.35 ТВ – адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: 1.Футбол плюс, 2.Ринг қироллари.
0.05 Монте Карлодаги цирк фестивали.
0.55 – 1.00 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 20.40, 22.55 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Навбатчи қисм».
20.55 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
21.45 ТТВда сериал: «Қиш сонатаси».
23.15 Кинонигоҳ. «Азизам, мен болаларни катталаштирдим».
00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.00 - 7.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 "Вести».
16.15 "Машҳурлар. Одри Хепберн».
17.00 "Топ мюзик».
17.10 "Евроньюс" янгиликлари.
17.30 "Ҳужжатли детектив».
18.00 "Хит парад».
18.25 "Гюстав Эйфель». Ҳужжатли фильм.
18.50 "Мўъжизалар майдони».
20.00 "Время».
20.30 "Бизнес-ревю».
20.35 "Дурдаршан».
21.05 "Спорт технологияси».
21.20 "Дунёга назар».
21.50 "Суперагент Саймон». Кинокомедия.
23.20 "Ахборот».
23.55 "Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.45 А ф и ш а.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 «Бу турфа олам».
11.10 Телевизион миниатюралар театри.
11.40 «Портретга чизгилар».
12.00 Экранда кинокомедия: «Анқов». Бадиий фильм.
13.35 «Барҳаёт сиймолар».
14.05 «Адабий жараён».
14.25 «Ошин». Телесериал.
15.25 «Ягона оилада».
15.55 «Рангин дунё».
16.10 «Экран хандаси».
16.20 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
16.50 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
17.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор». - «Самарқанд - Динамо». «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - Мультфильм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Дам олиш дастури.
21.35 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
21.55 ТВ клип.
22.00 «Гап чиқди». Телешоу.
22.40 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду»:
23.00 «КиноТеатр».
23.20 «Ширин булоқ«. Бадиий фильм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ – анонс.
9.40 «Янги, авлод» студияси: Бешбармоқ.
10.05 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
10.20 Табобат оламида.
10.45 Учрашув.
11.05 ТВ - адвокат.
11.10 «Гвадалупе». Телесериал.
11.50 Бола тилидан.
12.20 Ринг қироллари.
13.10 Мусиқий лаҳзалар.
13.25 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 2-қисм.
14.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.45 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
15.35 Очун.
15.55 «Орзу дарахти». Бадиий фильм.
17.30 ТВ - анонс.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
18.05 «Яшил орол сири». Мультфильм.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 ТВ – анонс.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Кутилмаган меҳмон.
20.10, 22.35 Эълонлар.
20.15 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 3-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Маккени олтинлари». Бадиий фильм.
0.45-0.50 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.11 Кўрсатувлар тартиби.
17.21 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.50 «Мультчархпалак».
18.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Афиша».
18.35 «Мисли гавҳар».
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.10 «Жаҳон географияси».
19.40 «Ханда дўкони».
20.05 «Умр ғанимат».
20.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.45 ТТВда сериал: «Қиш сонатаси».
22.00 Кинонигоҳ. «Лас-Вегаслик аёл».
23.30-23.35 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 "Лаззат».
9.30 "Дэвид Копперфилд».
10.00 "Қизиқарли кино». Премьера.
11.00 Болалар соати: "Еттинчи жин». Бадиий фильм.
12.10 CFI тақдим этади: "Илм-фан афсонаси».
13.00-14.00 Дўстлик видеоканали: "Бағри кенг Ўзбекистон", "В доброй хате", "Умид».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 "Бинафша».
17.00 "Билишни истайман».
17.20 "Йил қўшиқлари». Куз.
19.00 "Ким миллионер бўлишни истайди?»
20.00 "Время».
20.30 "Ютуқ«. Телеўйин.
21.30 "Олтин граммофон».
22.30 "Ахборот».
23.05 Кинематограф. "Жаннатга қайтиш». Бадиий фильм.
1.00 "Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
12.50 , 14.20 ТВ клип.
13.00 «КиноТеатр».
13.20 ТВ 1 кинотеатри: «Катта бойлик дардида». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.30 «Гап чиқди». Телешоу.
15.10 «Катта бойлик дардида». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.10 «Олтин дала». Дам олиш дастури.
16.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик»- «Трактор». 2-тайм.
«Болалар сайёраси»:
17.30 1. «Ғаройибкентга саёҳат».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Оқ ва қора». Телешоу.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Қорақалпоқ наволари».
22.15 «Кун меҳмони».
22.25 «Яхшилик».
«Якшанба кинозали»:
23.00 «Ўзганинг чиптаси». Бадиий фильм.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ – анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 "Янги авлод" студияси: Бўш ўтирма.
9.40 Кувноқ стартлар.
10.10 Чемпион сирлари.
10.30 ФИФА (футбол ичида, футбол атрофида)
11.10 Аскар мактублари.
11.30 ТВ - анонс.
11.35 Оҳанрабо.
12.15 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
12.50 Ёшлар овози.
13.10 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 3-қисм.
14.10 Мусиқий лаҳзалар.
14.25 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
15.15 «Зинама-зина» телеўйини.
15.40 «Денгиз одамлари». Бадиий фильм.
17.05 ТВ - анонс.
17.10 "Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси: Катта танаффус, Болалар учун концерт.
18.35 Спорт ҳафтаномаси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 ТВ – анонс.
19.20 Сув – ҳаёт манбаи.
19.25 Ҳандалак.
19.50, 20.55, 22.30 Эълонлар.
19.55 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 4-қисм.
21.00 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал ўйин.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичида.
22.35 ТВ – анонс.
22.40 «Озодлик нашидаси». Бадиий фильм.
0.05 – 0.10 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.50 «Эртакларнинг сехрли олами».
19.30, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.55 «Жаҳон географияси».
20.25 «ТВ плюс».
20.55 «Озод ва обод юрт».
21.15 ТТВда сериал: «Қиш сонатаси».
22.30 Кинонигоҳ. «Филадельфия тажрибаси».
00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

8.55 Кўрсатувлар тартиби.
9.00 "Инглиз тили курси».
9.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 "Ҳамма уйдалигида».
10.10 "Уйғоқ қайфият». Информацион дам олиш дастури.
11.40 "Мультсеанс».
12.00 "Ошхонада инглизча гаплашамиз».
12.10 Кинематограф. "Кичик сузувчи». Бадиий фильм.
13.40 "Дорихона эшитади».
14.30-15.50 Дўстлик видеоканали: "Рангинкамон", "Айдўнлар", "Дидар", "Чинсэн».
17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 "Соғинч».
17.30 "Кинопрофи».
17.50 "КВН-2003». Олий лига.
20.00 "Тенгдошлар».
20.40 Кинематограф. "Истеъдодли мистер Рипли». Бадиий фильм.
22.40 Бокс. Эвандер Холифилд - Джейм Тони.
23.40 "Таҳлилнома».
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин».

БЕҲЗОД ҲАЙКАЛИ ЧАНЧУН ХИЁБОНИДА

Равшан Миртожиевнинг Камолиддин Беҳзод ҳайкали халқаро Чанчун ҳайкалтарошлик конференцияси ташкилий қўмитаси томонидан юксак баҳоланди. Нуфузли танловда ҳамюртимиз муносиб ғалабани қўлга киритди. Иқтидорли ҳайкалтарош ўрта асрнинг атоқли миниатюрачиси образини ўзига хос услубда тасвирлаган. У яратган 2 метрли бронза ҳайкал яқин орада музей ва ёдгорликлари билан машҳур Чанчун шаҳрининг марказий хиёбонини безайди.



Икки халқ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ришталари узоқ тарихга эга. Тижорат аҳли бир неча асрлар муқаддам Буюк Ипак йўли бўйлаб Хитойдан Самарқанд ва Бухорога нафис чиннилар ва бошқа ноёб молларни олиб келиб, қайтишда халқ усталарининг кимхоб ва зардўзлик либослари, шунингдек ҳунармандчиликнинг нодир намуналарини, таърифи етти иқлимга машҳур қандолатчилик маҳсулотлари билан бирга «Самовий тулпорлар» номи билан аталувчи зотдор отларни олиб кетишган.

Яна бир эътиборга молик воқеа. Хитой тарихчилари қадимий китоб (фолиант)ни топиб оладилар. Китобда солномачи VIII асрда Фарғона ҳукмдори яхши ният рамзи сифатида императорга ўз шиша пуфловчиларини юборганлиги ҳақида батафсил хабар қилинади.

Император ва сарой аҳли ажойиб идиш ва безаклар ясаган ватандошларимизнинг маҳоратига қойил қолишган. Қарангки, жаҳонга кўплаб ихтиролари тақдим этган буюк империя Ал-Фарғоний юртидан шиша тайёрлаш сирларини ўрганган. Худди шу манбада яна фарғоналик элчилар бодринг ва беда уруғини, узум навдаларини Хитойга олиб келгани алоҳида таъкидланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, икки давлат ўртасидаги, дўстлик алоқалари янгича қиёфа касб этди. Иқтисод, савдо, илм-фан, санъат, тиббий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик бунинг ёрқин исботидир. Буни қарангки, маънавиятимиз фахри бўлган Беҳзод ҳайкали энди хитойликларни ҳам хушнуд этадиган бўлди. Бунда республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Равшан Миртожиевнинг хизмати катта. Ҳайкалтарошнинг санъат асарлари бугун нафақат республикамизда балки хорижда ҳам алоҳида ҳурмат билан эътироф этилмоқда. Унинг «Човган ўйнаётган Бобур» деб аталувчи композицияси Швейцариянинг Лозанна шаҳри марказида, Алишер Навоий ҳайкали эса Москвадаги Добринский майдонида ўрнатилган.

Ҳақиқий санъат замонларни, халқларни бирлаштиради, деб бежиз айтишмайди. Бу ҳақиқат бугун Равшан Миртожиев ижоди мисолида яна бир карра исботини топди.

Рустам ШАГАЕВ,
ЎзА мухбири

Енгил атлетика

МАНИЛАДА ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ ЯНГРАДИ

Филиппин пойтахти Манила шаҳрида енгил атлетика бўйичи XV Осиё чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Хабарингиз бор юртдошларимиз бундан бир неча кун олдин Францияда ўтказилган Жаҳон чемпионати баҳсларида ҳам муносиб иштирок этиб бизни хушнуд этган эдилар. Қитъа биринчилигида эса элликка яқин давлатнинг мингдан ортиқ спортчилари ғолиблик учун курашдилар. Енгил атлетикачиларимиз тўртта олтин ва бешта бронза медаллар эгаси бўлдилар.

Айниқса,100 метр масофага югуриш мусобақаларида вакилларимизга омад кулиб боқди. Бир йўла икки спортчимиз совриндорлар safidan жой олди. Мусобақаларнинг иккинчи куни Любовь Перепелова бу масофада қитъамизда энг кучли эканлигини яна бир бор исбот этди.Ғолибларни тақдирлаш маросимида кўтарилган учта байроқнинг иккитаси Ўзбекистонга тегишли эди. Гап шундаки, марра чизиғига Перепелова ҳамда хитойлик Вангпингдан сўнг учинчи бўлиб Гўзал Хуббиева етиб келди ва бронза медали соҳибаси бўлди. Мусобақаларнинг сўнгги кунида 200 метрлик масофага югуришда Любовь Перепелова яна ғолиб чиқди. 800 метр масофага югуришда Замира Амирова маррага учинчи бўлиб етиб келди ва бронза медалини қўлга киритди.

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда ўн кураш бўйича Виталий Смирновга тенг келадигани бўлмади. У ажойиб натижа кўрсатиб олтин медални қўлга киритди. Яна бир вакилимиз Паша Андреев бу мусобақаларда учинчи ўринни эгалладди. Найза улоқтириш беллашувларида Сергей Войнов устозлари ишончини оқлаб, аввалдан режалаштирилгани каби шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Тошкент халқаро тайёрагоҳида ғолиб спортчилар байрамона кутиб олинди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Поп тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббуси билан бухороча кураш тури бўйича "Олтин водий" биринчи очиқ турнири ўтказилди. Унда Фарғона водийси ёшлари ўзаро беллашишди.

"ОЛТИН ВОДИЙ" ТУРНИРИ

-Мусобақадан кўзланган асосий мақсад, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш ва спортнинг оммавий ҳамда миллий турларини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат, - деди кенгаш раиси Умиджон Турсунов. - Турнирга болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг бир намунаси сифатида ҳам қараш мумкин. Унда водий вилоятларидан ташриф буюрган 200 нафардан зиёд ёш полвонлар 14 та вазн тоифасида ўзаро куч синашди.

Икки кун давом этган қизғин беллашувлардан сўнг ғолибликни қўлга киритган полвонлар аниқланди. Умумжамоа ҳисобида мусобақа мезбонлари биринчи, қўқонликлар иккинчи, Тўрақўрғон тумани вакиллари учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Ғолиблар дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Туркистон-пресс"

Болалар спорти

ЯКУНЛАР НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларидан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма кенгаши томонидан болалар спортининг ишлари чуқур таҳлил этилди.

Жисмоний ва ақлан баркамол ёшларни вояга етказиш мактабдан бошланади. Халқ таълими бошқармасига қарашли 1083 та ўрта умумий таълим мактаблари ўқувчиларига 2453 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси дарс бермоқда. Муаллимларнинг 1352 нафари олий, қолганлари ўрта махсус маълумотли мутахассислар. Спорт мактабларида 200 дан ортиқ мураббийлар фаолият кўрсатаяпти.

Тизимга қарашли 5353 та спорт секцияларида 27 тур бўйича 157426 нафар бола шуғулланмоқда. Уларнинг 36677 нафарини қизлар ташкил этади. 430 та спорт заллари, 3157 та ўйингоҳ, шу жумладан 516 та баскетбол, 1094 волейбол, 522 қўл тўпи, 2 та теннис корти, 641 футбол, 382 кичик футбол майдонлари ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган.

«Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раис муовини Саноқул Эшонқуловнинг маълумотларига қараганда, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Соғлом авлод учун» давлат дастури ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида асосий эътибор ёшлар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Шаҳрисабз туманидаги Беруний номли оромгоҳда болалар спортини ривожлантириш масалаларига бағишланган республика илмий амалий конференцияси уюштирилди. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев иштирок этган анжуманда болалар спортини йўлга қўйиш соҳасидаги тажрибалар ўрганилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқарувининг раиси А.Мирқосимов, давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов, «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси С.Иномова, республикамизнинг турли вилоятларидан келган вакиллар воҳада олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида вилоят босқичида Қарши шаҳри, Китоб, Ғузор, Муборак туманлари совринли ўринларни эгалладилар. 1986-87 йилларда туғилган қизлар ўртасида кураш бўйича Ўзбекистон биринчилигида косонлик Кундуз Жўраева, Машҳура Мавлонова, Элвира Бозоровалар ғолиблик шоҳсупасидан жой олишди. 1987-89 йилда туғилган қизлар беллашувида қашқадарёлик курашчилардан Д.Умирова, Д.Донаева, Б.Бекмуродова, М.Мавлонова, М.Худойбердиевалар биринчи ўринларни қўлга киритишди. Чироқчи туманидан мактаб ўқувчиси Сарвиноз Эргашева шахмат мусобақаларида республика биринчилиги ғолиблигини эгаллади. 14-16ёшли қизлар баҳсида Қарши шаҳридаги 12-мактаб ўқувчиси Умида Чоршанбиева олтин медалга сазовор бўлди.

Вилоят ҳокими «Республика «Умид ниҳоллари-2003» ва «Баркамол авлод - 2003» спорт мусобақалари якунлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда кўрсатилганидек мактаб ўқувчилари ўртасида вилоят шарафини ҳимоя қилган терма жамоа вакиллари ўнинчи ўринни эгаллаб, битта кумуш, 4 та бронза, касб-ҳунар таълими бўйича ўтказилган мусобақаларда қашқадарёликлар 5 та олтин, 6 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритиб, саккизинчи ўринга сазовор бўлганликлари қайд қилинади.

Якунлар умумтаълим мактаблари ва халқ таълими бошқармасига қарашли болалар ҳамда ўсмирлар спорт мактаблари, махсус спорт интернатларида амалга оширилаётган ишлар талаблар даражасида эмаслигини кўрсатиб турибди. Ўқувчилар терма жамоаси белбоғли курашдан 12-, сузишдан, 13-, бадиий гимнатистика, баскетбол, волейбол ва қўл тўпидан охирги ўринни эгаллашди. Енгил атлетика, қўл тўпи, бокс, сузиш, бадиий гимнастика, белбоғли кураш, стол тенниси каби спорт турларини ривожлантиришга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Вилоят бўйича ўтказилган мусобақаларда Яккабоғ, Шаҳрисабз, Нишон, Деҳқонобод туманлари охирги поғоналардан жой олишган.

Мусобақаларни ташкил этишда ҳануз расмиятчиликдан халос бўлингани йўқ. «Ёшлик» спорт жамияти, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятига қарашли секция ва тўгаракларда машғулотлар мунтазам ўтказилмайди. Қишлоқ жойларида спортга муносабат секинлик билан ўзгармоқда. Спортнинг айрим турлари бўйича машғулотлар олиб бориш учун 30 дан ортиқ мураббий етишмайди. Мактаблар ихтиёрида замонавий спорт иншоотлари кам, сузиш ҳавзалари етишмайди, зарурий спорт жиҳозлари жуда оз. Спортнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорлик, тренерларнинг малакасини ошириш тажриба алмашувини йўлга қўйиш талаблар даражасида эмас.

Болалар спорти соҳасида муаммолар кўп. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Р.Ражабов, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Эгамов, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбари Р.Раҳимов болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Б.Авазов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Д.Аллаев мактаблар ва бошқа ўқув муассасаларида, қишлоқ ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантиришга эътиборни кучайтиришлари, шаҳар, туман миқёсида мусобақалар ўтказишнинг аниқ тизимини ишлаб чиқишлари керак. Ана шундагина Қашқадарё ёшларининг спортдаги шуҳрати янада ортади.

И.ИСОМИДДИНОВ

– Кичикроқ озода хонанинг ҳақи неча пул? – деб сўради турист меҳмонхона эгасидан.

– Иккинчи қаватдаги 10 минг сўм, учинчи қаватдагиси 8 минг сўм, тўртинчидаги 6 минг сўм, бешинчидагиси 4 минг сўм.

Турист ўйланиб туриб, эшикка йўл олди.

– Меҳмон, нима, қимматлик қилдими?

– Йўғ–ей, меҳмонхонангиз анча паст экан...

* * *

Поезд купесида бир кекса одам чўнтагидан трубка чиқарди.

– Чексам, эътироз қилмайсизми?

– Ўзингизни уйдагидек ҳис қилаверинг, – деб жавоб берди йўловчи аёл.

– Яхши, – деб хўрсинди кекса одам ва трубкасини чўнтагига солиб қўйди.

НИМ ТАБАССУМ

* * *

Қабристонда бир одам тиз чўккан ҳолда кўзларида ёш билан турибди. Ўтиб кетаётган одам раҳмдиллик билан сўради.

– Нима бўлди, афандим, нега йиғлаяпсан?

– Мен «агар ўлсанг, мен ҳам кетингдан жон таслим қиламан» деб хотинимга ваъда бергандим. Энди ваъдамни бажаролмаяпман.

– Ким ҳалақит беряпти?

– Иккинчи хотиним. Мен унга ҳам шундай ваъда берганман, у эса ҳаёт. Нима иложим бор менинг?

* * *

Цирк директорининг хонасида телефон жиринглади:

– Жуда зўр номер кўрсатишим мумкин.

– Керак эмас. Ҳамма зўр номерлар чўнтагимдан тушиб қолган.

– Меники жуда бошқача. Мен бир метрлик қилични ютаман.

– Э–э, шу ҳам номермми? Бир метрлик қилични ким ютолмас экан!

– Шунақа-ю, аммо менинг бўйим атиги тўқсон сантиметр–да!

* * *

– Эшитдингми, Тошмат уйланипти. Хотини тўрт тилни билармиш.

– Вой бечора! Ёмон бўлипти-ку!

– Нега энди?

– Менинг хотиним фақат бир тилни билади. Лекин шунда ҳам тинкамни қуритиб юборади.

* * *

Кинорежиссёр кино актрисага техника тараққиётини тушунтиряпти:

– Тасаввур қила оласизми ўзи? Эрамиздан олдин одамлар телефонда гаплашишни билишмаган.

– Вой, нега билишмаган? Бу жуда осон-ку... Дастакни оласиз, номерни оласиз, вассалом. Гаплашаверасиз...

Рағбат ғалабага ундайди

ҲОКИМ ЎЙИНГОҲГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Бу йилги вилоят биринчилиги баҳсларида Термиз тумани жамоаси ўзгача ном, ўзгача таркиб билан қатнашади, деганларида рости кўпчилик ишонмаган эди. Негаки, кўп жиҳатдан вилоятда ўз ўрнига эга бўлган туманнинг бир вақтлар довруқли бўлган «Ёшлик» футбол клуби ўз-ўзидан тарқаб кетганди. Бунинг сабаблари суриштирилганда, «Туманда футбол клубини сақлаб туриш қийин, буни иқтисодий аҳвол кўтармайди» қабилидаги баҳонаи сабаблар рўкач қилинганди. Бироқ, аслида астойдил изланган киши, албатта имкон топаркан.

Туманга янги раҳбар келди-ю, спортга, чунончи футболга муносабат тубдан ўзгарди. Тез орада «Жайҳун» футбол клуби тузилди. Унга иқтидорли ёшлар жалб қилинди. Бу йилги мавсумдан бошлаб эса жамоа вилоят биринчилиги мусобақаларида қатнашиб, туман шарафини ҳимоя қила бошлади.

Клуб бошлиғи Жуманазар Холтўраевнинг айтишига қараганда, жамоага катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Футболчилар учун кийим-кечак, бутси, тўп ва бошқа зарур спорт анжомлари харид қилинган. Шунингдек, мусобақада қатнашиш учун вилоят футбол федерацияси ҳисобига жамоанинг аъзолик бадали ўз вақтида ўтказиб берилган. Дарвоқе, бу гапларда қанчалик жон борлигига куни кеча ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. «Намуна» ширкат хўжалиги ўйингоҳида «Жайҳун» Сариосиё туманининг «Тўпаланг» жамоасини қабул қилди. Учрашув олдидан туман ҳокими футболчилар билан учрашиб, уларни янги зафарларга чорлади. Рағбат жамоа аъзоларини ғалабага руҳлантирди. Вилоят биринчилигида 15 турдан буён мағлубиятга учрамай келаётган сариосиёликлар шу куни мезбон футболчилар маҳоратига тан беришди. Таркибига Бахтиёр Бозоров, Элдор Хайрутдинов, Тўлқин Мирзаев каби таниқли ўйинчиларни жамлаган «Тўпаланг» жамоаси 3:0 ҳисобида мағлуб этилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, ишқибозларга оламолам завқ бағишлайдиган «миллионлар ўйини» – футбол ривожи учун ғамхўрлик, эътибор зарур. Шу маънода «Жайҳун»нинг омади келган кўринади.

Р.ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Нуқсонли болалар ҳам жамиятимизнинг бир бўлаги. Шунинг учун улар ҳам ҳар томонлама эътиборга муносибдирлар. Шу боис Хива туманидаги 97-сон махсус мактаб-интернатда болажонларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида ўқитувчилар ҳамда жамоатчилик томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бу борадаги ишларни янада самарали ташкил этишда туман прокурори ёрдамчиси, III даражали юрист Юсупбой Шерматовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Б.ЭРНАФАСОВ
олган сурат

Қадрият

ШИММЕЛ ХОНИМ

Шарқ маънавияти тарғиботчиси

Машҳур олмон исломшуноси ва шарқшуноси, филология фанлари доктори, профессор Аннемарие Бригитта Шиммел хоним шарқ сўфизмининг Европадаги энг етук билағонидир. Америка ва Европа, шунингдек Яқин Шарқ мамлакатларидаги олимлар Шиммел хонимнинг номини яхши билишади, унинг асарларига ҳурмат билан қарашади ва ҳатто хонимни ўзларининг устози деб ҳисоблашади.

Анемарие Бригитта Шиммел хоним 1922 йилнинг 7 апрелида Германиянинг Эрфрут шаҳрида ёмчихона хизматчиси оиласида таваллуд топган. Аввал лицейда, сўнгра Эрфрут мактабларининг бирида таълим олгач, ўн олти ёшида Берлин университетининг араб тили ва исломшунослик факультетига ўқишга киради. Мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ араб тилини мустақил равишда ўрганиб олган Шиммел хоним 1941 йилда университетни тугаллаб, филология фанлари номзоди даражасини қўлга киритади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, университетда ўқиб юрган пайтларида Шиммел хоним бир йил давомида ўзбек тилини ҳам ўрганиб чиққан, машҳур олмон олимаси, «Ўзбек тили грамматикаси» китобининг муаллифи Аннемарие фон Габаиндан сабоқ олган.

1941-1945 йилларда Шиммел хоним Германия Ташқи ишлар вазирлигида таржимон бўлиб ишлаган, уруш тугагач эса яна илмий иши ва изланишларини давом эттириб, Марбург шаҳрида дин тарихидан докторлик илмий ишини муваффақият билан ҳимоя қилади. 1951 йилда олимага «филология фанлари доктори», деган юксак унвон берилади. Олима Марбург университетида араб тили ва исломшунослик фанларидан дарс бера бошлайди. 1954 йилда Шиммел хонимни Анқара университетининг Ислом-теология факультетига дарс беришга таклиф этишади.

1961 йилда олима Германияга қайтиб келади ва Бонн университетининг профессори ва исломшунослик масалалари бўйича илмий маслаҳатчи лавозимига ишга тайинланади. Олиманинг илмий ишлари жаҳон олимларини лоқайд қолдирмади. 1967 йилда хоним Кембриждаги Харвард университетига ишга таклиф қилинди. Олима ўша ерда аввал доцент, 1970 йилдан бошлаб эса профессор лавозимида ҳинд-мусулмон маданияти фанидан маърузалар ўқиб келмоқда. Бундан ташқари олимани тез-тез жойларга маърузалар ўқишга таклиф этишади. 1980 йилда у Канададаги Америка консулхонасининг таълим масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилган. Шиммел хоним Нью-Йорк, Лондон, Эдинбург университетларининг фахрий профессоридир.

Шиммел хонимнинг илмий ва публицистик фаолияти асосан сўфизм, яъни Ислом мистикаси мавзусига бағишланган. «Исломнинг мистик мезонлари» асари Шиммел хонимнинг шу мавзудаги энг йирик, фундаментал асаридир. Унда олима суфизмнинг пайдо бўлишидан тортиб, ҳозирги кунларгача бўлган ҳолатини ёрқин мисолларда кўрсатиб берган. Олима ўзининг улкан асарларидан бири бўлмиш «Оллоҳнинг оятлари» китобида Ислом динининг, мусулмончиликнинг энг майда тафсилотларигача бирма-бир баён қилиб берган. Шу асарнинг «Ўсимликлар ва ҳайвонлар» бобида Шиммел хоним Абу Ҳурайра розияллаҳу анҳунинг мушуги тўғрисидаги ривоятни мисол қилиб келтирган. Айтишларича, Абу Ҳурайра мушугини жуда яхши кўрар, уни доимо чўнтагига ёки қўйнига солиб юрар экан. Бир куни Муҳаммад алайҳиссалом бир жойда ўтирганларида, бир илон ўл зотни чақмоқчи бўлиб келади. Пайғамбарнинг ёнида турган Абу Ҳурайранинг мушуги илонни пайқаб қолади ва унга ташланиб, ғажиб ташлайди ҳамда Пайғамбарни ўлимдан асраб қолади. Муҳаммад алайҳиссалом эса миннатдорчилигининг изҳори сифатида мушукнинг бошидан бошлаб, елкасини, яъни орқасини сийпалаб қўяди. Ўшандан кейин тарқаган мушукларнинг елкасида тўртта чизиқ кўзга ташланади.

Улар Пайғамбар алайҳиссаломнинг бармоқлари изларидир. Шу сабабдан ҳам мушукнинг ҳар қанча тепаликдан ташламанг, улар ерга оёғи билан тушади, зеро Пайғамбар алайҳиссаломнинг бармоқлари теккан жой оёқости бўлмайди. Шу аснода олиманинг ўзи ҳам мушукларни жуда севишини, уларга алоқадор барча нарсаларни йиғиб юришга ишқибозлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Мушукнинг тоза ҳайвон эканлиги, унга қўл теккизилганда таҳоратнинг бузилмаслиги ва бунинг акси ўлароқ итнинг нопок ҳайвон эканлиги, унга қўл теккизилганда таҳоратнинг синиши, аммо итнинг эгасига ўта вафодор эканлиги ардоққа муносиб эканлиги, бундан ташқари мусулмонларнинг асалари, сигир, арслон, ўргимчак, туя ва шунга ўхшаш ҳайвонларга муносабати ҳам китобнинг шу бўлимида баён қилинган. Китобда «Муқаддас жойлар», «Муқаддас калималар», «Муқаддас сонлар» каби бўлимлар ҳам бўлиб, улар ўқувчиларга Ислом дини ва мусулмонларнинг турмуши тўғрисида тиниқ тушунчалар беради.

«Муҳаммадун Расулуллоҳ» номли асарида Шиммел хоним Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётини, Ислом дини тафсилотларини, шариатни, тариқатни оврупалик ўқувчиларга ҳикоя қилиб берган. Ўқувчилар китобни яхшироқ тушунсин деган мақсадда асар савол-жавоб тарзида битилган. Шарқшунослик факультети талабалари бўлмиш бир йигит ва бир қиз муаллифга саволлар беришади, муаллиф эса шариат, тариқат ва ёшларни қизиқтирган бошқа масалалар бўйича уларга аниқ жавоблар беради. Олиманинг «Жонон менинг жонимда» номли асарида илк суфий аёл Робия ал-Адавия машҳур сўфийларнинг онаси, опа-сингиллари, момолар, келинлар, умуман Ислом оламида аёлларга бўлган муносабат шунчалар қизиқ ва камёб маълумотлар асосида баён қилиб берилганки, улар ўқувчини ҳайратга солмай қўймайди. Узоқ йиллардан бери Шарқ маданиятига ишқи тушган Шиммел хоним кўплаб сўфий шоирлари ва файласуфлари асарларини немис тилига таржима қилган. Шиммел хоним Германия Китоб савдоси ташкилотининг 1995 йилги Тинчлик мукофотини олишга муваффақ бўлди. «Ўрта асрлар охирида Мисрдаги халифа ва қозилар», «Ибн Илёс хроникасига кўрсаткич», «Ер юзидаги динлар», «Сўнгги мамлуклар бошчилигидаги ҳарбийлар тизими», «Шарқ лирикаси», «Ҳаллож-ишқ йўлидаги шаҳид», «Исломий ҳуснихат», «Ҳиндистонда ислом адабиёти», «Ўрда классик адабиёти», «Мавлоно Жалолиддин Румий», «Ислом дунёси», «Ботинга саёҳат», «Юнус Имро билан сайр», «Исломий исмлар» каби юзга яқин асарлар Шиммел хоним қаламига мансубдир. Бундан ташқари, олима «Замонавий араб лирикаси», «Покистон эртаклари», «Атиргул денгизи, шароб денгизи», «Исломий ибодатлар», «Атиргулни қўлга олиб, уни қўшиқ деб ата» асарларини немис тилига таржима қилган.

Шиммел хонимнинг заҳматли меҳнатлари изсиз кетмаган. Олима Туркиянинг олтин медалига, Гумбольд жамиятининг олтин медалига, Тюбинген университетининг «Леопольд Лука» мукофотига, «Ҳаммер-Пургшталл» олтин медалига сазовор бўлган. Шиммел хоним Синд, Исломобод, Пешавор, Упсала, Кунё университетларининг фахрий докторидир. Нидерландия фанлар академияси, Райн-Вестфалия ерлари фанлар академияси, Америка санъат ва фан академияси ҳамда бошқа бир қатор нуфузли ташкилотлар ўзларининг фахрий аъзолари рўйхатида Шиммел хоним ҳам борлигини доимо фахр билан тилга оладилар. Шиммел хоним 1980-1990 йилларда Дин тарихи Халқаро ассоциациясига президентлик қилган.

Йўлдош ПАРДА

ЛОЙИҲА ШАРОФАТИ БИЛАН

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Саломатлик-2" лойиҳасига Бухоро вилоятидан икки юздан зиёд қишлоқ шифокорлик масканлари киритилган. Мазкур лойиҳага кўра қишлоқ шифокорлик масканларини таъмирлаш ва янгиларини қуриш ҳамда жиҳозлаш кўзда тутилади. Ҳар бир шифо масканида иссиқ ҳамда совуқ сув , канализация, табиий газ, электр ва телефон бўлиши лозим.

-Вилоятдаги 121 та қишлоқ шифо масканида бу ишлар охирига етказилмоқда, қолганларида таъмирлашга тайёргарлик кетяпти, - деди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Х.Тошев "Туркистон-пресс" мухбирига.- Шифо масканларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун Жаҳон банки томонидан 5 миллион АҚШ доллари ажратилди.

"Туркистон-пресс"

Газетанинг навбатдаги сони 30 сентябр куни чиқади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Миргиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 1 2 3 4 5